

Норма маслаҳатчи

Године 2012 - №1

Иқтисодий-хуқуқий газета

№ 1(338) • 2012 йил 10 январь

НОРМА МАСЛАҲАТЧИ

ХУҚУҚ
СОЛИКЛАР
БУХГАЛТЕРИЯ

2005 йил июлдан чиқа бошлаган

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИННИГ
ҚОНУНИ

«СОЛИҚ МАСЛАҲАТИ ТҮҒРИСИДА» ГИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚОНУНИГА ЎЗГАРТИШ ВА ҚЎШИМЧАЛАР КИРИТИШ ҲАҚИДА*

Қонунчилик палатаси томонидан 2011 йил 14 ноябрда қабул қилинган
Сенат томонидан 2011 йил 5 декабрда маъқулланган

1-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2006 йил 21 сентябрда қабул қилинган «Солик маслаҳати түғрисида»ги ЎРҚ-55-сонли Конунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2006 йил, №9, 497-модда; 2008 йил, №12, 640-модда) қўйидаги ўзгариш ва қўшимчалар киритилсин:

(1) 3-модда қўйидаги мазмундаги иккинчи қисм билан тўлдирилсин:

«Кўйидагилар солик маслаҳати хисобланмайди;

ўз ваколатларини амалга ошириш доирасида давлат солик хизмати органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ва бошқа давлат органлари томонидан солик түғрисидаги қонун ҳужжатларини тушунтириш;

солик солиш масалалари бўйича адвокатлар томонидан юридик ёрдам кўрсатиш;

аудиторлик ташкилотлари ва бошқа ташкилотларнинг солик солиш бўйича консалтинг ҳамда

хизматлари»;

2) 5-модда:

иккинчи ҳатбошисидаги

«(бундан бўён матнда солик со-

лиш масалалари деб юритида-ди» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

учинчи ҳатбошиси кўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«солик ҳисоботини тузишда мижозга (ишонч билдирувчига) ёрдам кўрсатишни»;

кўйидаги мазмундаги тўртингчи ҳатбоши билан тўлдирилсин:

«солик солиш объектлари ва солик солиш билан боғлиқ бўлган объектларни аниқлашни ҳамда уларнинг хисобини юритиши»;

тўртингчи ҳатбоши бешинчи ҳатбоши деб ҳисоблансан;

3) 6-модданинг матни кўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Солик маслаҳатчilari ташкилотининг фуқаролик жавобгарлиги суғурта полисининг мавжудлиги солик маслаҳати бўйича хизматлар кўрсатиш түғрисида шартнома тузишга ҳақли.

4) қўйидаги мазмундаги 6¹-модда билан тўлдирилсин:

«6¹-модда. Солик маслаҳати бўйича хизматлар кўрсатиш түғрисидаги шартнома

Солик маслаҳатига доир фолият солик маслаҳатчilari ташкилоти ва мижоз (ишонч бил-

дирувчи) ўргасида тузилган солик маслаҳати бўйича хизматлар кўрсатиш түғрисидаги шартнома асосида амалга оширилади.

Солик маслаҳати бўйича хизматлар кўрсатиш түғрисидаги шартномани тузиш, ўзгариши ва бекор қилиш тартиби ушбу Қонун ҳамда бошқа қонун ҳужжатлари билан белгиланади.

Солик маслаҳатчilari ташкилоти мижоз (ишонч билдирувчига) билан унинг яшаш жойи ва жойлашган еридан (почта манзилидан) қатъи назар солик маслаҳати бўйича хизматлар кўрсатиш түғрисида шартнома тузишга ҳақли.

Солик маслаҳати бўйича хизматлар кўрсатиш түғрисидаги шартномага қонун ҳужжатлariга мувофиқ бошқа шартлар ҳам киритилиши мумкин»;

5) 7-модда иккинчи қисмининг иккинчи ҳатбошиси «норматив-хуқуқий ҳужжатларни» деган сўзлардан кейин «шу жумладан миллий стандартларни» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

6) 11-модданинг биринчи қисми:

олтинчи ҳатбошисидаги «белгиланган тартибда» деган сўзлар «мижознинг (ишонч билдирувчининг) розилиги билан шартнома асосида» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

кўйидаги мазмундаги саккизинчи ва тўққизинчи ҳатбошилар билан тўлдирилсин:

«солик түғрисидаги қонун ҳужжатлari билан тартибга солинадиган муносабатлар иштирокчilarining вакили сифатida давлат солик хизмати органларида, шунингдек соликка оид низони суд-

гача ҳал қилиш давомида ва судда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда иш олиб бориш; солик текширувлари ўтказиш вақтида солик маслаҳати бўйича хизматлар кўрсатиш»;

7) 13-модданинг биринчи қисми қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Солик маслаҳати бўйича хизматлар кўрсатувчи солик маслаҳатчilari ташкилоти мижозга (ишонч билдирувчига) солик маслаҳати бўйича миллий стандартларда белгиланган тартибда ҳисобот тақдим этади»;

8) 16-модда биринчи қисмининг тўртингчи ҳатбошиси қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«олий таълим муассасасини тамомлаганидан кейин камидан беш йиллик, шу жумладан иқтисодий ёки юридик мутахассислик бўйича камидан иккى йиллик иш стажига эга бўлган шахс талбогор бўлиши мумкин».

2-модда. Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Ўзбекистон
Республикасининг
Президенти
И.КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
2012 йил 4 январь
ЎРҚ-316-сон.

Солик тўловчига ёрдам

Ҳўжалик юритувчи субъектлар эътиборига

2012 йил учун иш вақтининг муддатини ўзгариши түғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 26 декабрдаги «2011 йил 31 декабрь шанба дам олиш кунини 2012 йил 2 январь душанба кунига кўчириш түғрисида» қарорига мувофиқ Мехнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги томонидан 2011 йил 21 октябрда 02-05/3058-сон билан белгиланган 2012 йил учун иш вақти муддатига қўйидаги ўзгаришилар киритилади:

беш кунлик (40 соатли) иш ҳафтасида иш вақти муддати:
январда – 168 соат;

1 чорак учун – 494 соат;

1 ярим йил учун – 1 005 соат;

9 ой учун – 1 524 соат;

йил учун – 2 033 соатни ташкил қилади.

Беш кунлик (40 соатли) иш ҳафтасида иш кунлари сони:

январь учун – 21 кун;

1 чорак учун – 62 кун;

1 ярим йил учун – 126 кун;

9 ой учун – 191 кун;

йил учун – 255 кунни ташкил қилади.

6 кунлик (40 соатли) иш ҳафтасида, шунингдек 36 соатлик иш ҳафтасида иш вақтининг муддати ва иш кунлари сони ўзгармайди.

Б.АЛИМУҲАММЕДОВ,
Мехнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирининг
биринчи ўринбосари.

СОЛИҚ СОЛИШДАГИ ЯНГИЛИКЛАР-2012

Таҳририятимиз газетхонларни Янги йил билан қутлаб, уларга 2012 йилда янги зафарлар тилаган ҳолда, барчамизнинг 2012 йилдаги солик мажбуриятларимизни белгилаб берувчи муҳим ҳужжатларни газеталаримизнинг ilk сонларида чоп этмоқда.

Хусусан, «Норма маслаҳатчи»нинг ушбу сонида

– Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 30 декабря «Ўзбекистон Республикаси 2012 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва давлат бюджети параметрлари түғрисида»ги ПК-1675-сон қарори,

– экспертларимиз томонидан тайёрланган 2012 йил 1 январдан Ўзбекистон Республикаси Солик кодексига киритилган ўзгаришиларнинг солиштирма жадвали билан танишасиз.

«СБХ»нинг 2012 йил 5 январдаги 1-2-сонларининг ҳужжатлар пакетида эса:

– ЎРҚ-313-сон Конуннинг Солик кодексига ўзгаришилар киритилган қисми;

– 2012 йил учун бюджет ва бюджетдан ташқари мақсадли жамғармаларга тўланадиган соликлар ва мажбурий ажратмалар ставкалари чоп этилган.

2011 йил 30 декабрь
02-05/3645-сон.

2011 ЙИЛ 30 ДЕКАБРДАГИ ЎРҚ-313-СОНЛИ ҚОНУН БИЛАН СОЛИҚ КОДЕКСИГА

СОЛИҚ КОДЕКСИННИГ МОДДАЛАРИ	ЭСКИ ТАҲРИРИ	ЯНГИ ТАҲРИРИ
II БҮЛЛІМ. СОЛИҚ МАЖБУРИЯТИНИ БАЖАРИШ		
59-модда. Солиқлар ва бошқа мажбурий тұловларни тұлаш мажбуриятлари бажарылышини таъминлаш чоралари жумласига солиқ тұловчига давлат солиқ хизматы органдынан ушин мажбуриятини бажарып зарурлығи ҳамда солиқ қарзини мажбурий үндіріши іозасидан күріладын чоралар тұгрысіда юборилған талабномаси киради.	Солиқлар ва бошқа мажбурий тұловларни тұлаш мажбуриятлари бажарылышини таъминлаш чоралари жумласига даылат солиқ хизматы органдынан солиқ тұловчига солиқлар ва бошқа мажбурий тұловларни тұлаш муддати тугаганидан кейин уч иш кунидан көчкітирмасдан, жисмоний шахсларға, шу жумладан якка тартибдагы тадбиркорларға эса, үттіз кундан көчкітирмасдан юбориладын, солиқ тұловчы мажбуриятини бажарыши зарурлығи ҳамда солиқ қарзини мажбурий үндіріши іозасидан күріладын чоралар тұгрысидагы талабнома киради.	
61-модда. Солиқ қарзини узиш тұгрысидаги талабноманы бажарып муддатлары (бірнеше қисм)	Солиқ қарзини узиш тұгрысидаги талабнома солиқ тұловчы томонидан олинған кундан әтібиоран беш кун ичіда солиқ қарз үзилмаган тақдирда, давлат солиқ хизматы органдары уни ушбу Кодексининг 63-моддасыда белгіланған тартибда солиқ тұловчининг бағыт ҳисобварақларидан сүйсіз үндіриш чораларини құлрайды	**
63-модда. Солиқ тұловчининг бағытады ҳисобварақларидан солиқ қарзини сүйсіз үндіриш (иккинчи қисм)	Хизмат күрсатувчи банк белгиси күйилған тұлов тоғызықнамасыннан пусхаси солиқ тұловчы томонидан тақдим этилмаган тақдирда, солиқ қарз суммасини үтказып тұгрысидаги инкассо тоғызықнамалары солиқ қарз суммасини узиш тұгрысидаги талабноманы бажарышын белгіланған муддати үтгандан кундан әтібиоран уч иш куни ичіда давлат солиқ хизматы органдары томонидан тақдим этилади.	Солиқ қарз суммасини үтказып тұгрысидаги инкассо тоғызықнамалары солиқ ва бошқа мажбурий тұловларни тұлаш муддати тугаганидан кейин уч иш кунидан көчкітирмай, якка тартибдагы тадбиркорларға эса, үттіз кундан көчкітирмай давлат солиқ хизматы органдары томонидан тақдим этилади.
III БҮЛЛІМ. СОЛИҚ НАЗОРАТИ		
84-модда. Солиқ тұловчиларпен мажбуриятлары іозага келгендегі тұгрысиде ахборот тақдим этиладын органдар ва тапкилолтар ҳамда уларның мажбуриятлары	Давлат нотариал идоралари тегишинча күчмас мулк ижараси шартномаси тасдиқланғандағы ва ижара ҳақи миқдори, шунингдек мерос қилиб олип ёки ҳада тарзда фуқароларнинг мулкінде үтәтгандан мол-мұлк қыйматы тұгрысиде күрсатылған нотариал ҳаракатлар амалга оширилған кундан әтібиоран ўн кундан көчкітирмай үзләре жойланған ердеги давлат солиқ хизматы органдарыға мағлұм қилиши шарт (олтинчи қисм).	Давлат нотариал идоралари тегишинча күчмас мулк олди-сөтди шартномалари, мол-мұлк ижараси шартномалари тасдиқланғандағы ва ижара ҳақи миқдори, шунингдек мерос қилиб олип ёки ҳада тарзда фуқароларнинг мулкінде үтәтгандан мол-мұлк қыйматы тұгрысиде күрсатылған нотариал ҳаракатлар амалга оширилған кундан әтібиоран ўн кундан көчкітирмай үзләре жойланған ердеги давлат солиқ хизматы органдарыға мағлұм қилиши шарт (олтинчи қисм).
* Күмматли қоғозлар марказы депозитарийси ҳар ойда, ҳисбеттің ойнан кейинги ойнан 10-кунидан көчкітирмасдан Ўзбекистон Республикасы Давлат солиқ құмитасы депозитарийларда рўйхатта олинған акцияларға доир битимлар тұгрысидаги ахборотни тақдим этиши шарт (мұққизинчи қисм).		
IV БҮЛЛІМ. СОЛИҚҚА ОИД ҲҰҚЫҚБҰЗАРЛИК УЧУН ЖАВОБГАРЛИК		
121-модда. Ер участкаларидан уларға бүлған ҳұқықиң тасдиқловчы ҳужжатларынан фойдаланып (бірнеше хатбоши)	Ер участкаларидан ер участкасига бүлған ҳұқықиң тасдиқловчы ҳужжатларда күрсатылғаннан кіттароқ ҳажмда фойдаланып ер солигининг суммасига эквивалент миқдорда	Ер участкаларидан ҳужжатларынан өхүд ер участкасига бүлған ҳұқықиң тасдиқловчы ҳужжатларда күрсатылғаннан кіттароқ ҳажмда фойдаланып ер солигининг суммасига эквивалент миқдорда
V БҮЛЛІМ. ЮРИДИК ШАХСЛАРДАН ОЛИНАДИГАН ФОЙДА СОЛИГИ		
143-модда. Мехнатта ҳақ тұлаш ҳаражатлары (5-банд)	Мехнатта ҳақ тұлаш ҳаражатларына құйыдағылар киради: 5) ғарбатлантыриш хүсусиятіга ега тұловлар:	
(6-банд)	—*	
(7-банд)	6) компенсация тұловлары (компенсация): —*	
145-модда. Бошқа ҳаражатлар (57-банд)	Бошқа ҳаражатларға құйыдағылар киради: 7) ишланмаган вакт үчүн ҳақ тұлаш:	
147-модда. Чегирилмайдын ҳаражатлар (10-банд)	Солиқ солинадиган фойданы аниқлаша өткізумен ҳаражатларға құйыдағылар киради: 10) ходимларға таътил учун меҳнат тұгрысидаги қо нүн ҳужжатларынан белгиланған нормалардан ортиқча тұланған ҳақ ва улар бүйінча пульник компенсациялар	
(21-банд)	21) байрам саналары ва мұхым саналар, жамаот фаолиятінде жүтуқтар мұносабати билан ходимларни ғарбатлантыриш ҳисобланадын бир йүла мұкофоттар ва таътилға құшымча тұланадын ҳақлар	
(26 ¹ -банд)	—*	
148-модда. Кредит тапкилолтарининг хизматларын реализация қылышдан олинадиган даромадлары (иккинчи қисм)	Балансининг валюта қисми қайта бағоланишидан олинған даромадлар, шунингдек чет эл валютасы курсининг ўзгарыши мұносабати билан іозага келген ижобий фарқ ушбу Кодексининг 132-моддасына мувофиқ болшқа даромадлар сифатыда қаралади.	
Балансининг валюта қисми қайта бағоланишидан олинған даромадлар, шунингдек чет эл валютасынан ўзғарыши мұносабати билан іозага келген ижобий фарқ ушбу Кодексининг 132-моддасына мувофиқ болшқа даромадлар сифатыда қаралади.		
✓ КОНУНЧИЛИКДАГИ ЯНГИЛИКЛАР – Ўзбекистон «Солиқ маслахаты тұгрысиде» ги Ўзбекистон Республикасы Конунига ўзгартылаш құшымчалар киришиш ҳақида» ги Конун – Солиқ солищдаги янгиликлар-2012 – 2012 йил учун иш вақтінің муддатынан ўзгартырыш тұгрысиде – 2011 йил 30 декабрдаги ЎРҚ-313-сонли Қонун билан Солиқ кодексига 2012 йил 1 январдан баштап киритилган ўзгартырлар бүйінча маълумот	✓ НАЗОРАТ – Ўзбекистон Республикасы назорат қылувчи органдары томонидан хұжалик юритувчи субъектлар фаолиятін текшириш режа-жадвали ЎЗБЕКИСТОН ҚОНУНЧИЛИКДАГИ ЯНГИЛИКЛАР – Ўзбекистон Республикасы Конунига 2012 йилги асосынан макроекономикалық содий күрсатылардың прогнозына Давлат бюджеті параметрлары тұгрысидеғи қароры (Күчірма) ✓ ИСТЕМЕЛЧИ ӘТЬИБОРИГА – Алданиб қолған ёмон	
4, 7-бетлар 5-6-бетлар 8-бет		

2012 йил 1 январдан бошлаб киритилган ўзгартиришлар бўйича маълумот

СОЛИҚ КОДЕКСИНинг МОДДАЛАРИ	ЭСКИ ТАҲРИРИ	ЯНГИ ТАҲРИРИ
155-модда. Ўзбекистон Республикаси норезидентларининг доимий муассасаса билан боглиқ бўлмаган даромадларига солиқ солиш (учинчи қисм, 9-банд)	Ўзбекистон Республикаси норезидентларининг тўлов манбаида солиқ солинадиган даромадларига қўйидагилар киради: 9) денгиз, дарё ва ҳаво кемаларидан, темир йўл ёки автомобиль транспорти воситаларидан халқаро ташишларда фойдаланишдан олинадиган даромадлар. Ушбу даромадларга транспорт воситаларидан тўғридан-тўғри фойдаланишдан, уларни ижарага беришдан ёки ҳар қандай бошқа шаклларда фойдаланишдан, шу жумладан контейнерлардан, контейнерларни ташиш учун трейлерлар ва қўшимча ускуналардан фойдаланиш, уларни сақлаш ёки ижарага беришдан олинадиган даромадлар (фрахтдан олинадиган даромадлар) киради. Айрим ҳолларда фрахт (шартнома шартларидан келиб чиқиб) юкни ортиш, қайта юклаш, тушириш ва жойлаштириш учун тўловларни ҳам ўз ичига олади. Бунда, агар жўнатиш пункти ёки тайин этилган пункт Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарида жойлашган бўлса, ташиш халқаро ташиш деб ҳисобланади	9) денгиз, дарё ва ҳаво кемаларидан, темир йўл ёки автомобиль транспорти воситаларидан халқаро ташишларда фойдаланишдан олинадиган даромадлар. Ушбу даромадларга транспорт воситаларидан тўғридан-тўғри фойдаланишдан, уларни ижарага беришдан ёки ҳар қандай бошқа шаклларда фойдаланишдан, шу жумладан контейнерлардан, контейнерларни ташиш учун трейлерлар ва қўшимча ускуналардан фойдаланиш, уларни сақлаш ёки ижарага беришдан олинадиган даромадлар (фрахтдан олинадиган даромадлар) киради. Айрим ҳолларда фрахт (шартнома шартларидан келиб чиқиб) юкни ортиш, қайта юклаш, тушириш ва жойлаштириш учун тўловларни ҳам ўз ичига олади. Бунда, агар жўнатиш пункти ёки тайин этилган пункт Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарида жойлашган бўлса, ташиш халқаро ташиш деб ҳисобланади. Бундан фақат Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарида жойлашган пунктлар ўргасида амалга ошириладиган ташиш мустасно
(йи учинчи қисм)	Ўзбекистон Республикасининг норезиденти Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасига мувофиқ солиқлар бўйича имтиёздан фойдаланиш учун Ўзбекистон Республикаси давлат солиқ хизмати органига чет давлатнинг ваколатли органи томонидан берилган, Ўзбекистон Республикаси солиқ солиш масалаларини тартибига солувчи халқаро шартномага эга бўлган давлатда мазкур шахснинг доимий жойлашган жойи (резидентлiği) борлигини тасдиқловчи расмий тасдиқномани тақдим этиши шарт. Бунда даромадлар хорижий банкларга тўланган тақдирда, солиқ солиш масалаларини тартибига солувчи халқаро шартнома мавжуд бўлган давлатда хорижий банкнинг доимий жойлашган жойи борлигини тасдиқлаши, агар бундай жойлашган жой ҳамма эркин фойдаланиши мумкин бўлган ахборот манбаларидағи маълумотлар билан тасдиқланган бўлса, талаб қилинмайди.	Ўзбекистон Республикасининг норезиденти Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасига мувофиқ солиқлар бўйича имтиёздан фойдаланиш учун Ўзбекистон Республикаси давлат солиқ хизмати органига чет давлатнинг ваколатли органи томонидан берилган, Ўзбекистон Республикаси солиқ солиш масалаларини тартибига солувчи халқаро шартномага эга бўлган давлатда мазкур шахснинг доимий жойлашган жойи (резидентлiği) борлигини тасдиқловчи расмий тасдиқномани тақдим этиши шарт. Бунда даромадлар хорижий банкларга ва халқаро банклараро телекоммуникация тизимларига тўланган тақдирда, солиқ солиш масалаларини тартибига солувчи халқаро шартнома мавжуд бўлган давлатда хорижий банкнинг ёки халқаро банклараро телекоммуникация тизимининг доимий жойлашган ери борлиги фактини тасдиқлаши, агар бундай жойлашган ер ҳамма эркин фойдаланиши мумкин бўлган ахборот манбаларидағи маълумотлар билан тасдиқланган бўлса, талаб қилинмайди.
(йи саккизинчи қисм)	*	Агар солиқ суммаси мазкур модданинг тўққизинчи қисмига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси резиденти ёки Ўзбекистон Республикаси норезидентининг доимий муассасаси томонидан тўланган бўлса, Ўзбекистон Республикаси резиденти ёки Ўзбекистон Республикаси норезидентининг доимий муассасаси мазкур суммани мажбуриятлар юзага келган санадан ётиборан ўн икки ой ичидаги бюджетдан қайтариш ҳукуқига эга. Бунда Ўзбекистон Республикаси резиденти ёки Ўзбекистон Республикаси норезидентининг доимий муассасаси ушбу модда ўн еттинги қисмининг учинчи ва тўртинги хатбошиларида кўрсатилган хужжатларга қўшимча равишида тўланган суммани қайтариш учун аризани ҳамда солиқ суммаси тўланганлигининг тасдини илова қиласди.
164-модда. Солиқ тўлаш тартиби (учинчи қисм)	Юридик шахслардан олинадиган фойда солиги бўйича жорий тўловлар ҳар ойнинг 15-кунига қадар ушбу модданинг иккинчи қисмига мувофиқ ҳисоблаб чиқарилган йил чораги бўйича юридик шахслардан олинадиган фойда солиги суммасининг учдан бир қисми миқдорида тўланади.	Юридик шахслардан олинадиган фойда солиги бўйича жорий тўловлар ҳар ойнинг 10-кунига қадар ушбу модданинг иккинчи қисмига мувофиқ ҳисоблаб чиқарилган йил чораги бўйича юридик шахслардан олинадиган фойда солиги суммасининг учдан бир қисми миқдорида тўланади.
VI БЎЛИМ. ЖИСМОНИЙ ШАХСЛАРДАН ОЛИНАДИГАН ДАРОМАД СОЛИГИ		
172-модда. Мехнатга ҳақ тўлаш тарзидағи даромадлар (иккинчи қисм, тўртинги хатбоши)	Мехнатга ҳақ тўлаш тарзидағи даромадларга қўйидагилар ҳам киради:	
	*	
173-модда. Рағбатлантириш хусусиятига эга тўловлар (1-банд) (7-банд)	Рағбатлантириш хусусиятига эга тўловлар жумласига қўйидагилар киради:	
	*	
174-модда. Компенсация тўловлари (13-банд)	Мехнатга ҳақ тўлаш тарзида даромадга киритиладиган компенсация тўловлари (компенсациялар) жумласига қўйидагилар киради:	
	*	
177-модда. Моддий наф тарзидағи даромадлар (1-банд тўртинги хатбоши)	Солиқ тўловчи томонидан юридик шахсдан моддий наф тарзида олинган даромадлар, агар СК 171-моддасининг иккинчи қисмидаги қоюда назарда туттилмаган бўлса, қўйидагилардир:	
	озиқ-овқат, йўл чипталари қийматини тўлаш ёки озиқ-овқат, йўл чипталари қийматини қоплаш;	
** Эски таҳрирдаги Солиқ кодексида мавжуд бўлмаган. ** Янги таҳрирдаги Солиқ кодексидан чиқариб ташланган.		
ТУЗАТИШ		
«СБХ»нинг 2012 йил 5 январдаги 1-2-сонида чоп этилган «Янги йилдан янги ўзгартиришлар» материалидаги «ўқитувчилар, концертмейстерлар ва болалар санъат ва мусиқа мактаблари раҳбар ходимларининг меҳнатга ҳақ тўлаш базавий тариф ставкалари ўртача 20 фоизга оширилиб, шу билан бир вақтда ўқитувчилик нагрузкалари 10 фоизга кўпайтирилиши» жумласи «болалар мусиқа ва санъат мактаблари ўқитувчилари, концертмейстерлари ва раҳбар ходимларининг меҳнатига ҳақ тўлаш базавий тариф ставкалари, уларнинг педагогик вазифаларини айни билан вақтда 10 фоизга кўпайтирган ҳолда ўртача 20 фоизга оширилиши» деб ўқилсин.		
НОРМА МАСЛАҲАТЧИ		
N 1 (338) • 2012 йил 10 январь		

НАЗОРАТ ҚИЛУВЧИ ОРГАНЛАР ФАОЛИЯТИНИ МУВОФИҚЛАШТИРУВЧИ РЕСПУБЛИКА КЕНГАШИ

2012 ЙИЛ ЯНВАРЬ ОЙИДА

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НАЗОРАТ ҚИЛУВЧИ ОРГАНЛАР ТОМОНИДАН
ХЎЖАЛИК ЮРИТУВЧИ СУБЪЕКТЛАР ФАОЛИЯТИНИ ТЕКШИРИШ*

РЕЖА-ЖАДВАЛИ

Назорат қилувчи органлар фАОлиятини мувофиқлаштирувчи республика кенгашининг 2011 йил 28 декабрдаги 3-сон қарори билан ТАСДИҚЛАНГАН.
Кенгашнинг тегишли қарорлари билан режа-жадвалга ўзгартириш ва қўшимчалар киритилиши мумкин.

НАЗОРАТ ҚИЛУВЧИ ОРГАНЛАР РЎЙХАТИ

A – туман	Назорат қилувчи орган даражаси	C – республика	
Код	Назорат қилувчи орган номи	Код	Назорат қилувчи орган номи
1	Ўзбекистон Республикаси Давлат солик қўмитаси	20	Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг Ёнгин хавфисизлиги бош бошқармаси
2	Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги	21	Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкни бошқариш давлат қўмитаси ҳузуридаги қоғозлар бозори фАОлиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш маркази
6	Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг Йўл ҳаракати хавфисизлиги бош бошқармаси	22	Ўзбекистон Республикасининг Электр энергетикада назорат бўйича давлат инспекцияси («Ўздавэнергоназорат»)
9	Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси	25	Ўзбекистон Республикаси Мехнат ва ахолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги
10	Ўзбекистон Республикаси Соғлини сақлаш вазирлиги	26	Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат дон инспекцияси
11	Ўзбекистон Республикаси Соғлини сақлаш вазирлигининг давлат санитария-эпидемиология назорати маркази	27	Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг Чорвачиликда наслчиллик ишлари бўйича бош давлат инспекцияси
12	Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси	29	Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси
13	Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг Чорвачиликда наслчиллик ишлари бўйича бош давлат инспекцияси	30	Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигининг Давлат алоқа инспекцияси
14	Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг Машина ва ускуналарнинг техник ҳолатини назорат қилиш бош давлат инспекцияси («Ўздавтехназорат»)	31	Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ҳузуридаги Бадий экспертиза бошқармаси
15	Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлиги	33	Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўзбекистон нефт маҳсулотлари ва газдан фойдаланиши назорат қилиш давлат инспекцияси («Ўздавнефтгазинспекция»)
16	Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги	34	Ўзбекистон Республикаси Соғлини сақлаш вазирлиги Дори воситалари ва тибий техника сифатини назорат қилиш бош бошқармаси
17	Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси		
18	Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси		
19	Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси		

- режа-жадвалнинг биринчи устундаги текширилётган хўжалик субъектининг рўйхатдан ўтказилган номи кўрсатилади;
- иқканич устунда унинг идентификация раками кўрсатилади;
- учинчи устунда текшириш ўтказетган назорат қилувчи органдиннинг ракамли коди ва назорат қилувчи орган даражасининг (республика, вилоят, туман) ҳарфий коди кўрсатилади.

Ишонч телефонлари:
(371) 244-89-46, 244-89-47, 244-98-22.

Корхона номи	СТР	Текшируви ўтказишга масъул бўлган назорат органдарни ва уларнинг бўлинмалари
--------------	-----	--

Корхона номи	СТР	Текшируви ўтказишга масъул бўлган назорат органдарни ва уларнинг бўлинмалари
--------------	-----	--

Корхона номи	СТР	Текшируви ўтказишга масъул бўлган назорат органдарни ва уларнинг бўлинмалари
--------------	-----	--

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ

НУКУС ш.	201169899	1(A), 20(A)
ЧА «ЖОЛША»	201233756	1(B), 20(A), 34(C)
ФИРМА «МАГИСТРАЛ СТРОЙСЕРВИС»	202788935	1(B)
ООО БАЙ-АТА	203474700	1(A), 15(B)
МТД ПАХЛАВАН	203490262	1(A), 16(B)
ООО «ТРАНС ПАРТНЕР»	20555179	1(B), 6(B), 15(B), 17(B), 20(A), 29(B)
ЧП «НУРАТАУ»	205927656	1(B), 20(A), 33(B), 38(B)
МЧФ «ИМАМАДДИН НУКУС»	300919603	1(B)
КЕГЕЙЛИ т.		
ЛЕСХОЗ	200380457	1(A), 2(B), 20(A)
ЖМК «ГАЛЫМЖАН ШОЛТАЕВ»	300055801	1(B), 20(A), 25(A)
ҚЎНҒИРОТ т.		
ЧА ИЛЬХОМ	201248848	1(B), 20(A), 34(C)
ХЎЖАЙЛИ т.		
ЧА ИБН СИНО	201120074	1(A), 11(A), 17(B), 20(A), 34(C)
ЧИМБОЙ т.		
КУМАР ЖМФ	203618377	1(A), 11(A), 34(C)
ЭЛЛИККАЛЯ т.		
МЧЖ ИЛАК ИЮЛИ	203054732	1(B), 20(A), 25(A)
БЕРУНИЙ т.		
КАШФИЕТЧИ ЁШЛАР ХК	205807100	1(B), 17(B), 20(A), 25(A), 33(B), 38(B)

АНДИЖОН ВИЛОЯТИ

АНДИЖОН ш.	200218703	1(B), 11(B), 20(B), 25(B)
ФИРДАВСИ ХУСУСИЙ ДЎКОНИ	200238909	1(A), 11(A), 20(A)
АНДИЖОН УЛГУРХИ САВДО ИЧ МЧЖ	200240210	1(B), 11(B), 20(B), 25(B)
УЗДУНРОБИТА ХК АНДИЖОН ФИЛИАЛИ	201658875	1(B), 6(B), 22(B), 30(B)
VODIY RUMMONI МЧЖ	204054139	1(B), 11(B), 20(B), 34(C)
САВДО-БЕТТА КТСИЧК	204181471	1(A), 11(A)
AND TEK-NAZ MTKM МЧЖ	204592206	1(B), 11(B), 20(B)
ЛАТИФЖОН ОХУН КТФ	204740567	1(B), 11(B), 20(B)
АНДИЖОН АГРОСАНОАТ ИЧ САВ. МЧЖ	205180551	1(B), 11(B), 20(B)
САВДО ТАРТИБИ ХК	205600264	1(B), 11(B), 20(B)
АНДИЖОН АВТОЛЛОҲИХА МЧЖ	205619650	1(B), 6(B), 11(B), 18(B), 20(B)
ЭРКИН-КАМРОН ХК	206268305	1(B), 11(B), 20(B)
БУЛОҚБОШИ т.		
ШАРИФЖОН КЕНЖАЕВ МЧЖ МТП	206077994	1(A), 11(A), 14(B), 20(A)
ОЙБЕК АГРОТЕХ СЕРВИС МЧМ МТП	300165166	1(A), 11(A), 14(B), 20(A), 29(A)
ЖАЛОЛКУДУК т.		
ЖАЛОЛКУДУК С.И.Ч. М.Ч.Ж.	200268523	1(B), 11(B), 16(B), 20(B), 25(B)
АБДУЛХАМИД ФИРМАСИ	201815252	1(A), 11(A), 20(A)
ИЗБОСКАН т.		
«ИЗБ.ТУМ.НОН ИШЛАВ ЧИКАРИШ» МЧЖ	200271308	1(A), 11(A), 16(B), 17(B), 20(A), 25(A), 29(A), 38(B)
КЎРҒОНТЕПА т.		
HIZ BARAKASI XСИЧФ	203771119	1(A)
АСАКА т.		
РАҲНОН ХХ	201646234	1(A), 11(A)
ASAКА-AVТОСАВДО МЧЖ	205660380	1(B), 11(B), 20(B)
ШАХРИХОН т.		
COSMO ELECTRONICS CO.,LTD» МЧЖ	203758805	1(A), 11(A), 20(A)
МУЛ-КУЛ XСХСФ	203990804	1(B), 11(B), 20(B), 25(B)
ХЎЖАОБОД т.		
SHARIFJON XASANOV YODI ХК	300892125	1(A), 11(A), 20(A), 29(A)

ОЛТИНКҮЛ т.

ОЛТИНКҮЛ ТУМАН НОН ИЧ МЧЖ	200254414	1(A), 11(A), 17(B), 20(A), 25(A), 38(B)
ОЛТИНКҮЛ ТСИЧХХ		

ИМКОН САВДО СЕРВИС МЧЖ	200254422	1(B), 11(A), 16(B), 20(A), 25(A)
АНДИЖОН ОМАД ФАЙЗ ХК		

АНДИЖОН ОМАД ФАЙЗ ХК	206798019	1(B), 11(B), 20(B)
БАЛИҚЧИ т.		

ОЙБУЛОК М.Ч.Ж</

ЎЗБЕКИСТОН ҚОНУНЧИЛИГИДАГИ ЯНГИЛИКЛАР

• ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

– «Ўзбекистон Республикасининг 2012 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида» (Кўчирма)

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИННИНГ 2012 ЙИЛГИ АСОСИЙ МАКРОИҚТИСОДИЙ КЎРСАТКИЧЛАРИ ПРОГНОЗИ ВА ДАВЛАТ БЮДЖЕТИ ПАРАМЕТРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

[Кўчирма]

(«Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами», 2011 йил, 52-сон, 561-модда)

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик Қонақларининг «Ўзбекистон Республикасининг 2012 йилги Давлат бюджети тўғрисида» 2011 йил 18 ноябрдаги 407-II-сон қарори ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг «Ўзбекистон Республикасининг 2012 йилги Давлат бюджети тўғрисида» 2011 йил 5 декабрдаги 255-II-сон қарорига мувофиқ:

3. 2012 йил учун:

кўшилган қиймат солиги ставкалари 20 фоиз миқдорида; юридик шахслардан олинадиган фойда солиги ставкалари 7-иловага* мувофиқ;

жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиги ставкалари 8-иловага* мувофиқ;

ягона солик тўлови ставкалари 9-1, 9-2 ва 9-3-иловаларга* мувофиқ;

тадбиркорлик фаолияти айrim турлари бўйича юридик ва жисмоний шахсларга белгилаб қўйилган солик ставкалари 10-иловага* мувофиқ;

юридик шахс бўлмасдан тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи жисмоний шахслар (якка тартибдаги тадбиркорлар)га белгилаб қўйилган солик ставкалари 11-иловага* мувофиқ;

Ўзбекистон Республикаси резидентларига дивидендлар ва фоизлар тарзида тўланадиган даромад солиги ставкалари 10 фоиз миқдорида;

Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқариладиган ва рўйхат бўйича четдан келтириладиган акциз солигига тортиладиган товарларга акциз солиги ставкалари 12-1 ва 12-2-иловаларга* мувофиқ;

сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солик ставкалари 13-иловага* мувофиқ;

ер ости бойликларидан фойдаланганлик учун солик ставкалари 14-иловага* мувофиқ;

имзоланадиган бонус ва тижорат топилмаси бонуси 15-1 ва 15-2-иловаларга* мувофиқ;

айrim турдаги маҳсулотлар бўйича ортиқча фойдадан солик ставкалари 16-иловага* мувофиқ;

юридик ва жисмоний шахслардан олинадиган мулк солиги ставкалари 17 ва 18-иловаларга* мувофиқ;

юридик ва жисмоний шахслардан олинадиган ер солиги ставкалари 19-иловага* мувофиқ;

ягона ер солиги ставкалари 20-иловага* мувофиқ;

маҳаллий соликлар ва йигимлар ставкалари 21-иловага* мувофиқ;

22-иловага* мувофиқ белгиланган соликка тортиш обьектларининг Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига мажбурий ажратмалар ставкалари 1,6 фоиз, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Республика йўл жамғармасига мажбурий ажратмалар ставкалари

1,4 фоиз миқдорда ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Таълим ва соғликни сақлаш муассасаларини реконструкция қилиш, мукаммал таъмирлаш ва жиҳозлаш жамғармасига мажбурий ажратмалар ставкалари 0,5 фоиз миқдорида;

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Республика йўл жамғармасига йигимлар ва ажратмалар ставкалари 23-иловага* мувофиқ;

маблағларни бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси, Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармаси ва Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши ўртасида 24-иловада* келтирилган нормативларга мувофиқ тақсимлаган ҳолда ягона ижтимоий тўлов ставкаси 25 фоиз миқдорида;

фуқароларнинг Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига уларнинг меҳнат ҳақи даромадларидан мажбурий сурурта бадаллари ставкаси 5,5 фоиз миқдорида тасдиқлансан.

4. 2012 йилнинг 1 январидан бошлаб:

меҳнатга ҳақ тўлаш Ягона тариф сеткасининг бошланғич разряди этиб биринчи разряд белгилансин, нулинчи разряд бекор қилинсан;

республиканинг барча ташкилотларида меҳнат ҳақи миқдори меҳнатга ҳақ тўлашнинг Ягона тариф сеткаси бўйича биринчи разряддан кам бўлмаган ҳолда белгилансин.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси бир ҳафта муддатда мазкур бандни амалга ошириш бўйича қарор қабул қиласин.

5. 2012 йилнинг 1 январидан бошлаб:

юк ташиб билан шуғулланувчи ягона солик тўловини тўловчилар учун ягона солик тўловининг энг кам миқдори, худди шундай фаолиятни амалга ошираётган якка тартибдаги тадбиркорлар учун белгиланган солик ставкаларидан келиб чиқиб, ҳар бир транспорт воситасини ҳисобга олган ҳолда белгиланади;

ихтисослашган савдо тармоғидан Россия Федерацияси ва Украинада ишлаб чиқарилган янги автомобиль харид қилувчи фуқаролар автотранспорт воситаларини сотиб олганлиги ва (ёки) вақтинчалик Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кирганлиги учун Республика йўл жамғармасига тўланадиган йигимлардан озод этилади;

республиканинг ички истеъмолчилари учун пахта толасини сотиш 20 фоизлик ставка бўйича қўшилган қиймат солигига тортилади.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Давлат солик қўмитаси билан ҳамкорликда бир ҳафта муддатда республиканинг ички истеъмолчилари учун пахта толасини сотишга қўшилган қиймат солигини ҳисоблаш ва тўлаш тартибини ишлаб чиқсин ва тасдиқласин.

6. 2012 йилнинг 1 январидан бошлаб:

*7, 8, 9-1, 9-2, 9-3, 10, 11, 12-1, 12-2, 13, 14, 15-1, 15-2, 16-26-иловалар «СБХ»нинг 2012 йил 5 январдаги 1-2 (909-910)-сонида таҳририят томонидан ўзбек тилига ўғириб берилган. Маълумотнома тусига эга.

чакана савдо тармоғида сотиладиган олтиндандан ишланган заргарлик маҳсулотларига 1 грамм заргарлик буюми учун 10 АҚШ доллари эквивалентида акциз солиги жорий этилсин, бунда чакана савдо тармоғи корхоналарига, тасдиқлайдиган ҳужжатлар мавжуд бўлганида, сотиб олинган заргарлик буюмларига тўланган акциз солигини ҳисобдан чиқариш хукуки берилсин;

мобил алоқа хизматларини кўрсатувчи юридик шахслар (уали алоқа компаниялари) томонидан абонент рақамидан фойдаланганлик учун ойига 400 сўм микдорида тўлов жорий этилсин, маблағлар 25-иловага* мувофиқ тақсимлансин.

7. 2012 йилнинг 1 январидан бошлаб кўчмас мулкни, шу жумладан уй-жойларни ижарага топширишдан олинадиган даромадларни солиқла тортиш шартномада белгиланган ижара ҳақи микдоридан келиб чиқсан ҳолда, бироқ қуидагилардан:

юридик шахсларга — давлатнинг кўчмас мулкидан фойдаланганлик учун ижара ҳақининг энг кам ставкаларидан; уй-жойларини ижарага топширувчи жисмоний шахслар учун — 26-иловага* мувофиқ белгиланган ижара ҳақи ставкаларидан келиб чиқиб ҳисобланган микдорлардан кам бўлмаган ҳолда белгилансин.

8. Товарларнинг айрим турларини ишлаб чиқаришни кенгайтиришни янада рағбатлантириш ва хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш мақсадида, Ўзбекистон Республикаси Президентининг ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг айрим қарорлари билан 27-иловага мувофиқ аввал берилган имтиёзларнинг амал қилиш муддати 2014 йилнинг 1 январигача узайтирилсин.

17. Фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари орқали ижтимоий нафақаларни тайинлаш ва тўлашда манзил аниқлигини ошириш учун Ўзбекистон Республикаси Меҳнат

ва аҳолини ижтимоий муҳофаза иш вазирлиги, Республика «Маҳалла» жамғармаси, Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги ва Давлат статистика қўмитаси бир ой муддатда оиласарнинг умумий даромадлари янада тўлиқ ҳисобга олинишини назарда тутган ҳолда нафақалар тайинлашнинг амалдаги тартибини янада такомиллаштириш бўйича таклифларни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

20. 2012 йилнинг 1 январидан бошлаб болалар мусиқа ва санъат мактаблари ўқитувчилари, концертмейстерлари ва раҳбар ходимларининг меҳнатига ҳақ тўлаш базавий тариф ставкалари, уларнинг педагогик вазифаларини айни бир вақтда 10 фоизга кўпайтирган ҳолда ўртacha 20 фоизга оширилсин.

24. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасининг 2010 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида» 2009 йил 22 декабрдаги ПК-1245-сон қарори 24-бандининг амал қилиши 2013 йилнинг 1 январигача узайтирилсин.

27. 2012 йилнинг 1 январидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 32-иловага мувофиқ айрим қарорлари ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансан.

2012 йилнинг 1 январидан Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг айрим қарорларига 33-иловага мувофиқ ўзгартиш ва қўшимчалар киритилсан.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти
И.КАРИМОВ.**

Тошкент ш.,
2011 йил 30 декабрь
ПК-1675-сон.

ЎзР Президентининг
2011 йил 30 декабрдаги ПК-1675-сон қарорига
27-ИЛОВА

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИННИГ ИМТИЁЗЛАРИ БЕРИЛГАН ВА АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТИ 2014 ЙИЛНИНГ 1 ЯНВАРИГАЧА УЗАЙТИРИЛГАН ҚАРОРЛАРИ РЎЙХАТИ

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасида 2006—2010 йилларда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришни жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2006 йил 17 апрелдаги ПК-325-сон қарори 7-бандининг микро фирмалар ва кичик корхоналарга таалукли қисми.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Пластик карточкалар асосида накд пулсиз ҳисоб-китоб тизимини янада ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2006 йил 3 августдаги ПК-433-сон қарори 1-бандининг иккинчи хатбоши.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Шахсий ёрдамчи, дехқон ва фермер хўжаликларида чорва моллар кўпайтиришни рағбатлантиришни кучайтириш ҳамда чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш бора-

сидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2008 йил 21 апрелдаги ПК-842-сон қарорининг 8-банди.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва ички бозорни тўлдириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2009 йил 26 январдаги ПК-1047-сон қарорининг 8-банди.

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Маҳаллий ноозик-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқариш кенгайтирилишини рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2009 йил 28 январдаги ПК-1050-сон қарорининг 3-банди.

6. Вазирлар Маҳкамасининг «Пластик карточкалар асосида ҳисоб-китоб қилиш тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2004 йил 24 сентябрдаги 445-сон қарорининг 7-банди.

ЎзР Президентининг 2011 йил 30 декабрдаги
ПК-1675-сон қарорига
32-ИЛОВА

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИННИГ 2012 ЙИЛ 1 ЯНВАРДАН ЎЗ КУЧИНИ ЙЎҚОТГАН ДЕБ ҲИСОБЛАНАДИГАН ҚАРОРЛАРИ

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Мева-сабзавотчилик ва узумчилик соҳасини ислоҳ қилиш бўйича ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида» 2006 йил 11 январдаги ПК-255-сон қарорининг 11-банди.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасининг 2009 йилги асосий макроиқтисодий

кўрсаткичлари ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида» 2008 йил 29 декабрдаги ПК-1024-сон қарорининг 8-банди.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасининг 2010 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари ва Давлат бюджети параметрлари тўғриси-

да» 20 йил 22 декабрдаги ПК-1245-сон қарорига 31-илованинг 8-банди.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2010 йил ҳосили пахта хомашёсини ўз вақтида ва сифатли йиғиб-териб олишни таъминлашга доир ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида» 2010 йил 3 сентябрдаги ПК-1398-сон қарори 4-банди.

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Тўқимачилик саноати корхоналарини жадал ривожлантиришни рағбатлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2011 йил 28 мартағи ПК-1512-сон қарорининг 2-банди.

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2012 йил учун академик лицейлар, касб-хунар колледжлари ва умумтаълим мактабларини қуриш, реконструкция қилиш ва мукаммал таъмиглаш дастурининг асосий параметрларини тасдиқлаш тўғрисида» 2011 йил 22 сентябрдаги ПК-1620-сон қарори 1-бандининг иккинчи хатбоши ва қарорга 1-илова.

7. Вазирлар Маҳкамасининг «Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Конунини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» 1992 йил 13 майдаги 235-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси КТ, 1992 й., 5-сон, 18-модда) 4-илованинг 4-банди.

ЎзР Президентининг
2011 йил 30 декабрдаги ПК-1675-сон қарорига
33-ИЛОВА

2012 ЙИЛ 1 ЯНВАРДАН БОШЛАБ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИННИГ АЙРИМ ҚАРОРЛАРИГА КИРИТИЛАДИГАН ЎЗГАРТИШ ВА ҚЎШИМЧАЛАР

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 1 июндаги ПК-363-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги хузуридаги бюджетдан ташқари Республика мақсадли китоб жамғармасининг маблағларини шакллантириш ва фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низомда:

22-банднинг учинчи хатбоши кўйидаги таҳирда баён қилинсин:

«юридик шахс мақомига эга бўлмаган мактаблар бўйича — худудий молия органларининг халқ таълими муассасаларини молиялаштириш бўлимлари томонидан амалга оширилади»;

23-банддаги «тижорат банклари» сўzlари «ғазначилик бўлинмалари» сўzlари билан алмаштирилсин;

24-банднинг тўртинчи хатбошидаги «банк ташкилотлари» сўzlари «ғазначилик бўлинмалари» сўzlари билан алмаштирилсин;

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Пластик карточалар асосида нақд пулсиз хисоб-китоб тизимини янада ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2006 йил 3 августдаги ПК-433-сон қарори 1-бандининг иккинчи хатбошидаги «2012 йил 1 январигача» сўzlари «2014 йил 1 январигача» сўzlари билан алмаштирилсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Давлат бюджетининг Газна ижроси тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2007 йил 28 февралдаги ПК-594-сон қарорининг 2-бандига:

кўйидаги мазмундаги олтинчи ва еттинчи хатбоши қўшилсин: «давлат харидлари бўйича ахборот базасини яратиш ва муттасил янгилаб бориш, давлат харидларини амалга оширишда нарх белгилаш жараёнини назорат қилиш;

кичик бизнес субъектлари кенг иштирок этишини назарда тутадиган давлат харидларини амалга оширишда танлов ва тендер тартиботларини такомиллаштириш ва кўллашни кенгайтириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиши»;

олтинчи—саккизинчи хатбоши тегишли равишда саккизинчи—ўнинчи хатбоши деб хисоблансан;

кўйидаги мазмундаги ўн биринчи хатбоши қўшилсин:

«Ғазначилик давлат харидлари бўйича Хукумат комиссиясининг ишчи органи функциясини амалга оширади».

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасида 2010 йилгача бўлган даврда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришни жадаллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2007 йил 21 майдаги ПК-640-сон қарори 6-бандининг иккинчи хатбошидаги «2012 йил 1 январигача» сўzlари «2014 йил 1 январигача» сўzlари билан алмаштирилсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 19 июндаги ПК-655-сон қарори билан тасдиқланган Иссиклик таъминоти ва сув таъминоти корхоналари ходимларининг меҳнатига ҳақ тўлаш тўғрисидаги низомнинг 7-банди кўйидаги таҳирда баён қилинсин:

«7. Базавий тариф ставкалари микдори тариф сеткаси тегишли разрядининг тариф коэффициентини энг кам ойлик иш ҳақининг белгиланган микдорига кўпайтириш билан белгиланади».

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида чорва моллар кўпайтиришни рағбатлантиришни кучайтириш ҳамда чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2008 йил 21 апрелдаги ПК-842-сон қарори 8-бандининг биринчи хатбошидаги «2012

йил 1 январигача» сўzlари «2014 йил 1 январигача» сўzlари билан алмаштирилсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Болалар мусиқа ва санъат мактабларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва уларнинг фаолиятини янада яхшилаш бўйича 2009–2014 йилларга мўлжалланган Давлат дастури тўғрисида» 2008 йил 8 июлдаги ПК-910-сон қарори 10-банди кўйидаги таҳирда баён қилинсин:

«10. Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланадиган рўйхат бўйича Давлат дастури доирасида болалар мусиқа ва санъат мактабларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш учун олиб келинадиган мусиқа асблори ва маҳсус ускуналар 2015 йил 1 январигача бўлган муддатда божхона тўловларидан озод қилинсин (божхона расмийлаштируви йигимлари бундан мустасно)».

8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва ички бозорни тўлдириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2009 йил 26 январдаги ПК-1047-сон қарори 8-бандининг биринчи хатбошидаги «2012 йилнинг 1 январига қадар» сўzlари «2014 йилнинг 1 январига қадар» сўzlари билан алмаштирилсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Махалли ноозик-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқариш кенгайтирилишини рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2009 йил 28 январдаги ПК-1050-сон қарорида:

3-банднинг биринчи хатбошидаги «2012 йил 1 январигача» сўzlари «2014 йил 1 январигача» сўzlари билан алмаштирилсин;

2-илованинг 5-банди кўйидаги таҳирда баён қилинсин:

«5. Тайёр тикилган буюмлар, тайёр кийим (тикилган, трикотаж ва чарм буюмлар)».

10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Уй-жой фондини фойдаланишга тайёр ҳолда топшириш шартларида реконструкция қилиш ва таъмиглаш бўйича пудрат ишларини кенгайтиришни рағбатлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2009 йил 29 январдаги ПК-1051-сон қарори ўзбек тилидаги матнининг 3-банди биринчи хатбоши кўйидаги таҳирда баён қилинсин:

«3. Янгидан ташкил этилаётган ихтисослаштирилган таъмилаш-қурилиш ташкилотлари ва «Қишлоқ қурилиш инвест» инжиниринг компанияси билан тузилган шартномалар бўйича Фойдаланишга тайёр ҳолда топшириш шартлари билан якка тартибда уй-жой қуриш доирасида улар томонидан амалга ошириладиган ишлар ҳажмлари бўйича пудрат ташкилотлари 2014 йилнинг 1 январигача».

11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Қишлоқ қурилиш банк» акциядорлик тижорат банкини ташкил этиш тўғрисида» 2009 йил 30 мартағи ПК-1083-сон қарори 4-бандига кўйидаги мазмундаги хатбоши қўшилсин:

«2010 йилда Мактаб таълим мини ривожлантириш жамғармасига ажратмалар хисобига ажратиладиган Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 170,0 млрд сўм микдоридаги мақсадли кредит линиясининг асосий қарз, фоизлар ва бошқа тўловлар суммаси республика бюджети даромадига ўтказилади».

12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасининг 2010 йилги асосий макроиктисодий кўрсатичлари ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида» 2009 йил 22 декабрдаги ПК-1245-сон қарори 5-бандининг учинчи хатбоши кўйидаги таҳирда баён қилинсин:

«улгуржи савдо корхоналари учун (улгуржи дорихона ташкилотлари, Улгуржи савдо корхоналари уюшмаси тизимиға ки-рүччи ихтисослаштирилган улгуржи база-идоралар бундан мұстасно) — ўтказилған операциялардан тушадиган сұмманинг 5 фоизи мікдорида ягона солиқ тұлови бүйіча аванс тұловлари тұлаш, қонун ҳужжатларыда белгиланған ҳоллар бундан мұстасно».

13. Вазирлар Маҳкамасининг «Хорижий валютадаги давлат божлари, йиғимлар ҳамда солиқ бўлмаган бошқа тұловлар ставкалари тўғрисида» 1993 йил 19 августдаги 423-сон қарориға 2-иловада:

а) қуидаги мазмундаги X бўлим қўшилсин:

«Х. Ўзбекистон Республикаси Ташки иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги бўйича

Хорижий тижорат ташкилотлари ваколатхоналари аккредитация қилингандыкти учун тўлов	1 200 АҚШ доллари	»;
--	-------------------	----

б) «Божлар, йиғимлар ва солиқ бўлмаган бошқа тұловлар тўлашдан тушган валюта тушумларини тақсимлаш» жадвалига қуидаги мазмундаги 16-банд қўшилсин:

16	Хорижий тижорат ташкилотлари ваколатхоналари аккредитация қилингандыкти учун тўлов	50%	50%	Хорижий тижорат ташкилотлари	Ташки иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги
----	--	-----	-----	------------------------------	--

14. Вазирлар Маҳкамасининг «Республика валюта жамғармаси хисобидан чет эл валутасида кредитлар бериш ва уларни тўлаш тартибини тасдиқлаш тўғрисида» 1994 йил 3 ноябрдаги 534-сон қарори 2-бандининг учинчи хатбошидағи «Республика валюта жамғармаси» сўzlари «республика бюджети» сўzlари билан алмаштирилсин.

15. Вазирлар Маҳкамасининг «1999-2000 йилларда пахта навларини янгилаш ва жойлаштириш дастури тўғрисида» 1998 йил 25 ноябрдаги 491-сон қарорининг 8-бандига қуидаги мазмундаги хатбоши қўшилсин:

«Белгилансинки, 2012 йил 1 январдан бошлаб пахтацилик элита-урұғчилик лабораториялари ва ҳўжаликлари фаолиятини молиялаштириш уруғлик чигит навлари учун устамалар суммасидан ажратиладиган маблаглар ва қишлоқ ҳўжалиги товар ишлаб чиқарувчилари билан тузиладиган шартномалар бўйича хизматлар кўрсатишдан олинган бошқа даромадлар ҳисобига молиялаштирилади».

16. Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 5 февралдаги 54-сон қарори билан тасдиқланған Маҳсулотлар (ишлар, хизматлар)ни ишлаб чиқариш ва сотиш ҳаражатлари таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисидаги низомда (Ўзбекистон Республикаси КТ, 1999 й., 2-сон, 9-модда):

а) 2.2.6-бандга «маҳаллий тармоклар» сўzlаридан кейин «абонент рақамидан фойдаланганлик учун тўлов» сўzlари қўшилсин;

б) 2.3-бўлимга:

қуидаги мазмундаги 2.3.25-банд қўшилсин:

«2.3.25. Фойдаланишдаги тўлиқ эскирган ускуна учун тўлов»;

2.3.25-банд 2.3.26-банд деб ҳисоблансин.

17. Вазирлар Маҳкамасининг «Божхона йиғимлари ставкалари тўғрисида» 1999 йил 30 апрелдаги 204-сон қарорига илованинг 1-банди «Йиғимлар ставкалари» устунидаги «Божхона қыйматининг 0,2 фоизи мікдорида, бироқ энг кам ойлик иш ҳакидан кам эмас» сўzlари «Божхона қыйматининг 0,2 фоизи, бироқ камида 25 АҚШ доллари ва 3 000 АҚШ долларидан ортиқ эмас» сўzlари билан алмаштирилсин.

18. Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 23 сентябрдаги 328-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси КТ, 2002 й., 9-сон, 53-модда) билан тасдиқланған Ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш жамғармаси тўғрисидаги низомнинг 4-бандига қуидаги мазмундаги хатбоши қўшилсин;

«абонент рақамидан фойдаланганлик учун ҳақ тўлашдан тушган маблагларнинг 10 фоизи».

19. Вазирлар Маҳкамасининг «Пластик карточкалар асосида ҳисоб-китоб қилиш тизимини янада ривожлантириш

чора-тадбирлари тўғрисида» 2004 йил 24 сен. ордаги 445-сон қарорида (Ўзбекистон Республикаси КТ, 2004 й., 9-сон, 94-модда):

7-банднинг иккинчи—тўртинчи хатбошидаги «2012 йил 1 январгача» сўzlари «2014 йил 1 январгача» сўzlари билан алмаштирилсин.

3-иловада 2-бандининг иккинчи ва учинчи хатбошидаги «2012 йил 1 январгача» сўzlари «2014 йил 1 январгача» сўzlари билан алмаштирилсин.

20. Вазирлар Маҳкамасининг «Халқ таълими ходимлари меҳнатига ҳақ тўлашнинг такомиллаштирилган тизимини тасдиқлаш тўғрисида» 2005 йил 21 декабрдаги 275-сон қарорида (Ўзбекистон Республикаси КТ, 2005 й., 12-сон, 63-модда):

а) 1-иловада:

5-банд қуидаги таҳрирда баён қилинсин:

5. Болалар мусиқа ва санъат мактаби ўқитувчиси	55 450	51 895	48 364	44 956	41 683
--	--------	--------	--------	--------	--------

қуидаги мазмундаги 5-1-банд қўшилсин:

5-1. Болалар мусиқа ва санъат мактаби концертмейстери	48 364	44 956	41 683	38 543	35 590
---	--------	--------	--------	--------	--------

6-банддан «концертмейстер» сўзи чиқариб ташлансин;

б) 2-иловада:

1.3-кичик банддан «мусиқа мактаби, санъат мактаби» сўzlари чиқариб ташлансин;

қуидаги мазмундаги 1.8-кичик банд қўшилсин:

1.8. Болалар мусиқа ва санъат мактаби директори	55 450	51 895	x	x
---	--------	--------	---	---

2.4-кичик банддан «мусиқа мактаби, санъат мактаби директорининг ўқув-маърифий ишлар бўйича» сўzlари чиқариб ташлансин;

қуидаги мазмундаги 2.8-кичик банд қўшилсин:

2.8. Болалар мусиқа ва санъат мактаби директорининг ўқув-маърифий ишлар бўйича ўринбосари	51 895	48 364	x	x
---	--------	--------	---	---

21. Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 2 апрелдаги 62-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси КТ, 2010 й., 4-сон, 14-модда) билан тасдиқланған Вазирликлар ва идораларнинг бюджетдан ташқари жамғармаларига йўналтирилаётган давлат божлари, йиғимлар ва солиқ бўлмаган тұловлардан, маъмурий ва молиявий санкциялардан ажратмалар мікдорларида:

24-банд қуидаги таҳрирда баён қилинсин:

24	Ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш жамғармаси (Алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги)	Алоқа ва ахборотлаштириш соҳасида фаолиятни амалга оширувчи юридик шахслардан норматив ҳуқуқтар, давлат тармоқ стандартлари талаблари, алоқа соҳасида кўрсатилаётган хизматлар сифати бузилгандыкти учун ундирилладиган жарима санкциялари	50
			45
		Абонент рақамидан фойдаланганлик учун тўлов	10

Назорат

4-бетда

Корхона номи	СТНР	Текширилган ўтказишга масуль бўлган назорат органдари ва уларнинг бўйнималари
НАМАНГАН ВИЛОЯТИ		
НАМАНГАН ш.	200043677	1(B), 11(B)
СОКИМ КТХ	200047537	1(B), 11(B), 21(C), 33(B)
НАМАНГАНСУВТРАНС ОТХХ	200048868	1(B), 6(B)
А О НАТП-22	200055345	1(B)
NAMANGAN IBRAT TRANS MCHJ	203964050	1(A), 11(A), 20(A)
ZARDUDA КТИЧ ВА СХКК	204997904	1(B), 11(A), 20(A), 25(B), 38(B)
ГАЗАТАМПАРДОЗ К/К		
QURUVCHI AVTO TRANS МЧЖ	206827376	1(B)
НОРИН т.	300471578	1(B), 11(A), 20(A)
ДИЕР-САРВАР Х/К		
ПОЛ т.		
ЧОДАК КОНИ ИСТ МЧЖ	200087298	1(A), 11(A), 17(B), 20(A), 25(A), 38(B)
ЧОРТОК т.		
ХАЙРУЛЛО Х.К	200064643	1(A), 11(B), 20(A)
MUCHUM KESKANYOR TEX SERVIS M	300125531	1(A), 11(B), 14(B), 17(B), 20(A)
ЯНГИКУРГОН т.		
ХХ МУСАФО ДИЕР	300072529	1(A)
НАМАНГАН т.		
АСКАРОВ МУХАММАДАЛИ МЧЖ	300880773	1(A), 11(A), 20(A)
САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ		
САМАРҚАНД ш.	200613323	1(A), 20(A)
KAWSAR SERVIS LUX МЧЖ	200711430	1(A), 20(B)
BAKKOLIK UNIVERSAL МЧЖ	200714878	1(B), 20(A)
ОТДЕЛЕНИЕ ТОРГОВЛИ №6 ГУТМО	200788407	1(A), 20(A)
AMON МЧЖ	200791737	1(A), 20(A)
«ХАТАК-19» МЧЖ	201208549	1(B), 2(B), 17(B), 20(B), 25(B), 38(B)
ALPOMISH МЧЖ		
«UZDUNROBITA» КК МЧЖ САМ.ФИЛ	201769208	1(B), 20(B), 25(B), 30(B)
AKMAL МЧЖ	201769286	1(B), 11(B), 20(A)
УОР ДП АООТ САХИМСТРОЙ	203043169	1(B), 2(B), 33(B)
«XURSHED» МЧЖ	203140174	1(A), 11(B)
СУВОКОВА САМ.ШАХАР ИЧДК	203623854	1(B), 11(B), 14(B), 20(B), 33(B), 38(B)
«SIYOB SHAROB-SAVDO» ИБШК	204023216	1(B), 16(B), 25(B)
GORIZONT PLUS МЧЖ	205669130	1(A), 38(B)
ЖОМБОЙ т.		
АСИЛБЕК-КШЕ Х.Ф.	204016746	1(A), 20(A)
SABRINA SERSO SERVIS МЧЖ	300691240	1(A)
ИШТИХОН т.		
MITAN ДЕХКОН БОЗОРИ МЧЖ	201141214	1(A)
НАРПАЙ т.		
ОКТОШ ТРАНСАВТО МЧЖ НАРПАЙ Т	200718950	1(A), 11(A), 20(A), 25(A)
«MASHG'ULOT» T/S I/CH KORXONA	203805650	1(A), 11(A), 20(A)
ПАЙАРИК т.		
РАХТАКОР МЧЖ	202123568	1(A), 11(A), 25(A)
ПАСТДАРФОМ т.		
СНОРТУТ FAYZ BARAKASI МЧЖ	300624014	1(A), 33(B), 38(B)
ПАХТАЧИ т.		
NORMURODOV SHAMSIDDIN Ф.Х.	206032156	1(A)
САМАРҚАНД т.		
GULOBOD NUR OMAD МЧЖ	200972764	1(A), 14(B), 22(B), 25(B)
PRODUKT-TABAQ-SERVIS МЧЖ	205167090	1(B), 16(B)
IXTIYOR-QURILISH-SERVIS МЧЖ	205901199	1(B), 20(A), 25(B), 33(B)
SAMARKAND PLAST POLIMER МЧЖ	300248710	1(B), 2(B), 11(B), 16(B), 20(A)
НУРОБОД т.		
ХОМ К.Х.КООПЕРАТИВИ(ШИРКАТИ)	200778394	1(A)
УРГУТ т.		
SPANZA ULGRJU SAVDO	300868779	1(A)
ТАКАҮРГОН ш.		
МАҒТУНА-М МЧЖ	200719926	1(B), 20(B), 33(B), 38(B)
ПАХТАМАШ МЧЖ	200720959	1(A), 38(B)
БУЛУНГУР т.		
ЧЕВАР X К	200733729	1(A), 11(A), 20(A)
СУРҲОНДАРЁ ВИЛОЯТИ		
ТЕРМИЗ ш.		
ОССП-ТИГБАМНОТ	200475084	1(A), 11(A), 17(B), 20(A)
ИССИКЛИК МАНБАИ ПРОИЗВ.УПРАВЛ.	200475266	1(A), 11(A), 17(B), 20(A), 25(B), 33(B), 38(B)
ГОСТИНИЦА «ТЕРМЕЗ»	200475314	1(A), 11(A), 16(B), 17(B), 20(A), 25(A), 40(C)
КИЗИРИК т.		
БАНДИХОН ОКШОМИ ХФ	300999465	1(A), 11(A), 20(A)
САРИОСИЕ т.		
УЛУГ-САБО ФЕРМЕР ХУЖАЛИГИ	204953104	1(A), 29(A)
ДАШНОБОД БОГЛАРИ Ф.Х	206433930	1(A), 29(A)
ШУҶИ т.		
ГАЛА МЧЖ	204394809	1(A), 11(A), 20(A), 29(A)
УЗУН т.		
СУРҲОН КУРИЛИШБУЛАШ ХИЧК	205175374	1(A), 6(B), 11(B), 17(B), 20(A)
ГОФУР УГЛИ УЛУГБЕК КТХФ	205295280	1(A), 11(B), 17(B), 20(A), 33(B)
АНГОР т.		
ИБН СИНО ХУС.ДОРИХОНАСИ	201298913	1(A), 11(A), 16(B), 17(B), 20(A), 34(C)
ОЛТИНСОЙ т.		
УСИМЛИКЛАРНИ ХИМОЯ КИЛИШ ОТРЯД	205067975	1(A), 11(A), 17(B)
БОЙСУН т.		
ЛАЗЗАТ МЧЖ	201324698	1(A), 11(A), 17(B), 20(A)
ОРЗУ ХИЧС ФИРМАСИ	203256813	1(A), 11(A), 17(B), 18(B), 20(A), 29(A), 33(B)
МУЗРОБОД т.		
ЭЛГА ХИЗМАТ ШАХСИЙ КОРХОНАСИ	201065894	1(A), 11(A), 17(B), 20(A)
ДЕНОВ т.		
АЗИЗА ЗИЯЕВА ХУСУСИЙ КОРХОНАСИ	205210988	1(A), 20(A)
ТУРБО МАКС ХК	205227009	1(A), 11(A)
ЖАРКҮРГОН т.		
ХОЛБОБО ХУСУСИЙ ФИРМАСИ	203605568	1(A), 11(A), 20(A), 29(A), 33(B)
ЖАР.ШАРОБ САВ.ИК.БАЗ.ШУБ.КОР.	204339541	1(A), 11(A), 22(B)
СИРДАРЁ ВИЛОЯТИ		
ГУЛИСТОН ш.		
ХУДОЙКУЛ ХД	200319023	1(A), 11(A), 20(B), 34(C)
ЧА ШИФО	201255104	1(A), 11(A), 34(C)
ALOQA SAVDO FAYZ МИНИМАРКЕТ ШК	204831840	1(B), 11(A), 25(A)

*Текшириши бошланадиган сана – 2012 йил 9 январь; текшириши тугайдиган сана – 2012 йил 7 февраль.

Корхона номи	СТНР	Текширилган ўтказишга масуль бўлган назорат органдари ва уларнинг бўйнималари
ГУЛИСТОН ВИЛОЯТИ		
«АВРАМ КАНЦЛЕР ГОЛД» ХК	205186718	1(A)
ЛОРД САВДО ИНВЕСТ Х К	205517525	1(A), 11(A), 20(A)
ДЕКАРТ СЕНЕКА ИНТЕР САВДО ИЧК	205526443	1(B), 17(B), 20(A)
GULISTON MOBILE SERVIS Х К	205725773	1(B), 20(A), 25(B)
ШИРИН ш.		
САДЕБАРГ ХИЧФ	202342454	1(A), 11(A), 16(B), 25(B)
САЙДЖОН-ХОЛНИСО ТСК	300875485	1(A), 20(A)
ЯНГИЕР ш.		
АЗАТ МЧЖ	201306553	1(A), 11(A), 17(B), 20(B), 25(B)
БОЁВУТ т.		
ИШОНЧ М Ф	202823701	1(B)
БАХОР ЧЕЧАКЛАРИ ХИЧСТФ	300603142	1(A), 11(A), 20(A)
ГУЛИСТОН т.		
ЖАМШИДБЕК СИЧФ	202914951	1(A), 11(B), 20(A), 25(A)
САРДОБА т.		
КИСМАТ ШАМОЛИ-С ХТИЧСФ	300540064	1(A), 17(B), 25(A), 33(B)
ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ		
МОЛЛАКЕНТ т.		
МЧЖ «TEXNOTEKS»	202224806	1(B), 17(B), 22(B), 25(B), 29(B)
Ф.Х. MIRZATULLAYEV XUDOYOR	205550534	1(A), 29(A)
ЎРТАЧИРЧИК т.		
16-SON КО'ЧМА МЕХАНИЗАЦИЯЛASH.	200582102	1(B), 17(B), 20(A), 22(B), 33(B)
TURG'UNBOY QIZI XAYRINISO МЧЖ	204530979	1(A), 11(B), 20(A), 25(A)
«SALOMOV MAMATQL» ФХ	300150043	1(B)
MEGOOM ENERGO	300690306	1(B)
ЧИНОЗ т.		
МОЛІЗА ХИЧФ	204069428	1(A), 11(A), 20(A), 34(C)
ЯНГИЙЛ т.		
SILVER TRANS МЧЖ	200468044	1(B), 6(B), 17(B), 20(A), 29(B), 33(B)
2503 АВТОЖАМЛАНМАСИ	200468052	1(B), 20(B), 25(A), 29(B)
INSOF ХК	200588569	1(A), 11(A), 20(A), 29(B)
АНГРЕН ш.		
ООО ЭНЕРГОКОЛОЮЧИСТКА	200596124	1(B), 22(B)
«DONIYOR PLYUS» МЧЖ	300099271	1(A)
ОЛМАЛИК ш.		
ГИДРОМЕХСЕРВИС (МП)	203108473	1(A), 20(A), 25(A)
ЧИРЧИК ш.		
RADEMUS-SERVIS МЧЖ	201523205	1(B), 20(A), 29(A)
БУСТОННИК т.		
G'AZALKENT-OYNA МЧЖ КУШМА.КОРХ.	200439199	9(B), 18(B), 41(C)
ЗАНГИОТА т.		
Х.Х. ХОНОБОД САВДО КОРХОНАСИ	200564796	1(A), 20(A)
HAKIMA NUR X К	205862003	1(B), 11(A), 17(B), 20(A)
POKIZA GOSHT-SABZAVOT TAYOR SA	300641570	1(B), 11(A), 20(A)
ERK MAKON МЧЖ	300825998	1(B), 17(B), 20(A)
MEAT MAX X К	300845324	1(B), 20(A)
SUNLIGHT AGRO EXPORT МЧЖ	301152499	1(B), 20(A)
ЮҚОРИЧИРЧИК т.		
YUQRORICHIRCHIQDAVSUVMAXSUSPUD	300797614	1(B), 11(A), 20(A), 25(A), 33(B)
ҚИВРАЙ т.		
ОВЧИЛАР ВА БАЛИКИЛАР		

АЛДАНИБ КОЛГАН ЁМОН

Хийла оғирроқ ўтган иш кунидан кейин тансиқроқ таом тайёрлашни ўйлаб яқин орадаги супермаркетга йўл соламиз. Аравачани олиб, оҳиста янграётган куй-кўшиқ садолари остида кўзни кувонтирадиган пештахта ва расталарни оралаймиз. Бу шаҳар аҳли учун одатий манзара тусини олмоқда. Супермаркетлар рақобатда оддий озиқ-овқат дўйонларини, ҳатто бозорларни ҳам доғда қолдирмоқда. Зотан уларда товарларнинг турлари ақлларни олгудек, муҳитнинг ўзи одамга хуш ёқади, хизмат кўрсатиш ҳам яхши йўлга қўйилган. Айни шу ва бошқа сабабларга кўра кўпчилик супермаркетга боришга одатланиб ҳам қолди. Аммо масаланинг бошқа томони ҳам бор. Супермаркетларда ишнинг салбий жиҳатлари ҳам кўзга ташланмоқдаки, қуида шулар ҳақида сўз боради.

1. Маҳсулот тайёрланган сана

Сир эмаски, супермаркетларнинг пештахталарида ҳам муддати ўтган маҳсулотлар учраб қолади. Қоидага кўра яроқлилик муддати ўтган барча товарлар савдо залида бўлмаслиги керак. Назарияга кўра шундай. Пештахтага товарларни ўддабуронлик билан жойлаштиришларига эътибор беришини маслаҳат қилган бўлурдик. Сотувчи эски, анча туриб қолган товарни пештахтанинг чекка ва олд тарафларига кўйиб, янгиларини ўтрапоқка яширган бўлади. Бу найрангбозлик шундай мантиқа асосланганки, мижоз ўзини қийнаб пештахтанинг ички тарафига кўл узатмайди, шундоккина чеккада турган маҳсулотни олади-қуяди. Дарвоқе, камдан-кам ҳаридор сотиб олаётган товарнинг яроқлилик муддатига эътибор беради. Товарларни юқорида айтилгандек жойлаштирув ҳам айнан шунга мўлжалланган.

Маслаҳат ўрнида: эътиборли бўлинг, озигина вақтингизни аямай, маҳсулотнинг ишлаб чиқарилган санасига қаранг.

2. Маҳсулот сифати

Чиройли, қарийб ҳаво кирмай-диган ўровдаги гўшт ва балик маҳсулотларини ҳарид қилишда хушёр бўлинг. Унинг устидаги ёзувга ишонманг, чунки унда тайёрланган ёки ишлаб чиқарилган сана эмас, балки қадокланган сана қайд этилган. Қолаверса, бундай маҳсулотни икки-уч марта қайта ўраш мумкин. Целлофанда узоқ туриб қолиб, ҳидланган балик ёки пих боғлаган ёпишқоқ колбаса бўлиши мумкин – яхши ўралгани учун хидини сезмайсиз. Бундай «тұхфа»ни уйга борганингиздан кейин аникласангиз чекни олингү, ортингизга, олган дўйонингизга шошилинг. Чеки бўлса, уни алмаштириб беришлари ёки пулнингизни қайтаришлари шарт.

Маслаҳат ўрнида: қадокланган маҳсулот ҳарид қилишдан имкон қадар чекланинг. Олмоқчи бўлаётган балик ёки колбаса-

нинг сифатига уни кўздан ке-чириб ёки ҳидлаб кўриб (бундан тортинманг) ишонч ҳосил қиласиз.

Сотувчиларнинг эътироф эти-шича, бузила бошлаган дудланган колбаса куюқ тутун билан димланса, у яна чиройли ва хушбўй бўлар экан. Бу хил қинғирликлар кўп. Пакет идишларидаги сут маҳсулотининг тайёрланган санасини аце-тон билан ўчиришар экан; қурукшаб қолган печенье чиройли пено-поласт корзинкаларга жойланса, унинг устидан маҳсулотнинг янги-эскилигини бармоқ билан синаб бўлмайди; муддати ўтган тортларнинг кутиларидан этикеткаларини сугуриб олишади. Бошқа найрангбозликлар ҳам бор.

Маслаҳат ўрнида: қалбаки, ясама ўровлардан эҳтиёт бўлинг. Маҳсулотни аравачага жойлаштиришдан олдин уни яхшилаб кўздан кечиринг. Тайёрлаш ёки сақлаш санаси суркалиб, ўшиб кетган ёки кўрсатилмаган товарларни ҳарид қилишдан қочинг, шунда ўз соғлиғингизни таҳдид остига қўймаган бўласиз.

3. Коса тагида ним коса

Баъзан қўшалок, устма-уст ёпиширилган этикеткали маҳсулотларга дуч келасиз. Айтилайлик, ҳаво кирмайдиган қилиб ўралган салами колбасасида супермаркет этикеткаси остида ишлаб чиқарувчининг этикеткаси кўриниб қолади, унда ишлаб чиқарилган сана ҳам, маҳсулотнинг оғирлиги ҳам бошқача. Демак, колбасани дўконда қайта ўлчашган: бу анча туриб қолган товарни ҳарид қилар эканси, ўрови учун ҳам анчагина чиқим килингизга тўғри келади. Дарвоқе, қўшалок этикетка ёрдамида маҳсулотнинг асл (ўз) ўровидаги шикастланишлар ҳам, маҳсулотнинг турли нуқсонлари ҳам моҳирлик билан ниқоблаб юборилади.

Маслаҳат ўрнида: этикетка-ларнинг кўплиги сизни хушёр торттирмоги лозим. Бундай ҳол-



учун шунчаки тузокдир. Иккитагина маҳсулотни одатдагидан арzonроқ нарҳа сотиб олиш билан сиз кўп нарса ютмайсиз, супермаркет эса ўз савдо айланмасини анчагина ошириб олади. Арzonлаштирилган нарҳ билан одатда туриб қолган ёки яроқлилик муддати ўтган маҳсулотларни сотадилар. Кираверишда хушрўйгина қиз бирон нарса олган ҳаридорга битта шоколад ёки икки шиша ароқ олган ҳаридорга бир килограмм апельсин ваъда килар экан, бу «тантлиқ»ка учманд. Чунки сизга ваъда қилинаётган «тұхфа»нинг баҳоси сотиб олган маҳсулотингизнинг баҳосига аллақачон киритиб қўйилган бўлади.

Маслаҳат ўрнида: бундай алдовга асосланган ваъдаларга ишониб қолманд, ҳарид қилишдан олдин обдан ўйланг, зотан ҳалқимизда етти ўлчаб бир кес деб беҳуда айтилмаган.

4. Тарозидан уриб қолишса-чи?!

Маълум бўлишича, супермаркетларда ҳам бундай иллат учраб экан. Ундан анчагина кенг кўламда фойдаланишмокда ҳам. Кизиқиб кўриш маъносида чиройли идишдаги қадокланган конфетни назорат тарозисида тортиб кўришларини сўранг. Бунда 30-50 грамм атрофида тарозидан уриб қолинган бўлади. Қадоклаб қўйилган мандарин ёки олмани ҳам шу таҳлит ўлчабти кўринг. Натижа ўша-ўша! Тўғри, бунда мевалар намлигини йўқотиб, кун сайин оғирлиги камайиб бориши ҳолати ҳам бор.

Музга чиройли қилиб таҳлаб қўйилган баликни, маълум бўлишича, маҳсус технология бўйича музлатишар экан ва бунда у 10 фоизга қадар намлиники ўзига тортиб олар экан. Тарозиларни, гарчи улар электрон бўлса-да, бураб қўйишга асосланган қинғирликлар эса эски удумлардан.

Маслаҳат ўрнида: назорат тарозида тортиб кўриш ўрнини ҳеч нарса босмайди. Агар кўрсаткичларда тафовут бўлса, маҳсулотни назорат тарози кўрсаткичи асосида сотиб оламан деб қатъий туринг.

5. Алдовга учманд

Ҳар хил сотув маросимлари ва акциялар паришенхотир ҳаридорлар



баҳосига мувофиқ эмаслиги ҳам анча кенг тарқалган алдовлардан саналади. Маҳсулотнинг баҳо ёрлиғидаги номини диққат билан ўқиб чиқинг, баъзан уларни атайин чалкаштириб, сизни арzonроқ нарҳдаги маҳсулот олишга унданаган бўлишади, ҳақиқий нархи эса ҳисоб-китоб қилаётган пайтингизда ошкор бўлиб қолади. Шошиб турган пайтда асосан баҳосига назар ташлаш одат бўлиб қолган-ку, ахир!

Маслаҳат ўрнида: маҳсулотнинг баҳо ёрлиғидаги матнни диққат билан ўқиб чиқинг, чек ҳам албатта кўздан кечиринг. Ҳарид қилиш ўчун отланганингизда ёнингизда калькулятор бўлгани маъқулроқ (ҳар бир мобил телефонда ҳам бу нарса бор). Баҳони мустақил равища ҳисоблаб чиқсангиз, ҳақиқига уриб қолинганингизни осонгина топиб ола-сиз.

Таҳририятдан.

Истеъмолчиларни чўчитиш ниятимиз йўқ, лекин таассуфки, то-варларни, баъзан кундалик зарур товарларни худди шу таҳлит реализация қилинаётганлигига оид мисоллар савдо соҳасида учраб қолмоқда. Мақсадимиз содир бўлиши эҳтимоли бўлган салбий оқибатлардан сизни асраш бўлгани учун ҳам юқоридағи маслаҳатларни ҳавола этмоқдамиз. Бу маслаҳатларга риоя этиш-этмаслиқда эса ихтиёр ўзингизда, албатта.

Эълонлар

АУДИТОРИК ХИЗМАТЛАРИ

Аудиторлик хизматлари*. Тел. 185-48-30.

Аудит. Бухгалтерия хизматлари*. Тел.: 570-18-64.

Аудиторлик, бухгалтерия хизматлари*. Тел.: 370-63-06, 263-77-29.

БУХГАЛТЕРИЯ ХИЗМАТЛАРИ

«ААА» – бухгалтерия хисобини юритиш, тиклаш. Ҳисоботларни тайёрлаш топшириш. Асосий воситаларни қайта баҳолаш. Тўлиқ бухгалтерия кузатви. Тўлов – исталган шаклда. Тел. (+99890) 910-92-20.

Бухгалтерия хисобини тиклаш. Текширувга тайёргарлик. Тел.: (+99890) 319-62-37.

БАҲОЛАШ ХИЗМАТЛАРИ

Баҳолаш ва бизнес-режалар*. Тел. 430-56-00.

ХИЗМАТЛАР

«ADVANCED COMPUTER SERVIS». Ташкилий техникини таъмирлаш ва тўлдириш. Жойига чиқиш билан. Windows ўрнатиш. Тел. 726-52-33.

Сервис маркази. Epson, HP, Canon рангли струяли принтерларни таъмирлаш ва тўлдириш, жойига чиқиш билан. Тел. 903-73-93.

Ташкилотлар учун компьютер ва майший техникини хисобдан чиқариш учун хужжатларни тайёрлаш. Тел.: 233-74-95, 233-17-56, 236-76-46.

*Хизматлар лицензияланган.